

БУТУН ЖАҲОН САБЗАВОТЧИЛИК МАРКАЗИДАН БАҚЛАЖОН СЕЛЕКЦИЯСИ УЧУН МАБАЛАР

Махфрат Эшмуродовна Аманова

қ.х.ф.док Тош ДАУ Сазавотчилик, полизчилик ва картошкачилик кафедраси
мудири *Peanut66@mail.ru*

Абдумалик Сатторович Рустамов

қ.х.ф.ном Қишлоқ ўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази бўлим
бошлиғи *rustamov.abdumalik@mail.ru*

Илхом Ўктамович Оққўзиёв

кич.и.х. Ўсимликлар генетик ресурслари илмий тадқиқот институти
safaruzripi@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Ўсимликшунослик илмий тадқиқот институти сабзавот ва полиз экинлар генетик ресурслари бўлими ходимлари томонидан 2006-2017 йиллар давомида Бутун жаҳон сабзавотчилик марказидан келтирилган бақлажоннинг 24 та намуналарни қимматли хўжалик белгилари бўйича ўрганиш ишлари якунланди ва қуйидаги: эртапишарлик белгиси бўйича 4 та, ҳосилдорлик бўйича 2 та (к-91 ва к-103 (Тайван)) намуналар танлаб олинди. Ушбу намуналар биламчи манба сифатида селекция масканларига тақдим этилади.

Калит сўзлар: интродукция, генофонд, нав-намуналар, ўрганиш, бирламчи манбалар ажратиш, селекция ва истиқболли намуналар.

PERSPECTIVE INITIAL MATERIAL FROM GERMOPLASM FOR SAFFLOWER BREEDING

ABSTRACT

In the Uzbek research institute of plant industry were finished of three-year (2006-2017) study of 24 safflower eggplants accessions, which received from different country of the world. As a result of study were stood out by early ripening trait - 4 accessions, were revealed high yield – 2 (к-91 and к-103) accessions. The initial material will be used for breeding.

Keywords: introduction, genetic resources, accession, complex study, breeding, initial material for breeding, accession of perspective.

КИРИШ

Барча қишлоқ хўжалик экинлари каби сабзавот экинларидан ҳам муттасил ва юқори ҳосил олишда маҳаллий иқлим шароитларга мослашган энг яхши навлардан фойдаланиш самарали ҳисобланади. Ҳозирда, миллий ошхонамизда 40 га яқин сабзавот экин туларидан фойдаланилар экан, улар орасида бақалажоннинг ҳам ўзига ҳос ўрни бўлиб, ундан турли хил лаззатли таъом ва салатлар тайёрлашмоқда.

Бақалажан (*Solanum melongena* L.) -*Solanum* туркумига мансуб бўлган мустақил турдир (1). Ватани Ҳиндистоннинг шимолий ҳудудлари ва Покистон ҳисобланади (4). Ўзбекистонда XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб етиштирилиб келинмоқда (3). Бақалажон томатдошларга мансуб бошқа (помидор, қалампир) ўсимликлардан фарқли ўлароқ мевалари хомлигича истемол қилинмаслиги, оддий шароитда нисбатан узоқ сақланиши ва таркибида куруқ моддаларнинг кўплиги билан ажралиб туради.

Дунёнинг турли мамлакатларидан жамланган бақалажоннинг 24 нав ва намуналари. Дала тадқиқотлари Бутун Россия Ўсимликшунослик ИТИ (ВИР), лаборатория тажрибалари эса А.И Ермаков ва бошқалар услублар асосида амалга оширилди (2).

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Бақалажон намуналари мофо-биологик, асосан энг муҳим хўжалик жумладан: эртапишарлик, ҳосилдорлик, касалликларга чидамлилик ва таварбоблик белгилари бўйича ўрганилиди ва қуйидаги натижалар олинди:

Эртапишарлик белгиси бўйича. “Аврора” навининг ўсув даври 128 кунни ташкил этиб, ўрганилган барча намуналардан нисбатан эртапишар S00735, Churnung-1, Lonoship S00658 ва S 113 Тайван (123 кун) намуналари ажратиб олиниб, бу намуналар андоза навга нисбатан 5 кун олдин пишиб етилганлиги кузатилди. Тадқиқотлар якунида ўрганилаётган намуналарнинг саккизтаси жумладан: к-73, к-85, к-86, к-91, к-96, к-98 (Тайван), к-103 (Ўзбекистон) ва к-2167 (Франция) намуналар андоза нав билан бир вақтда пишиб етилганлиги қайд этилди. Қолган ўн битта намуналарнинг илк мевалари 130-135 кунлари пишиб етилганлиги кузатилди.

1-жадвал

**Интродукция қилинган бақлажон намуналарининг асосий қимматли
хўжалик белглари бўйича маълумотлар.**

№ т/р	Католог рақами	Намунанинг келиб чиқиш ватани	Майсалар униб чиқган вақтдан техник етилиш давригача, кун	Ҳосилдорлик, кг/м ²	Андоза навга нисбатан, %
1.	72(андоза)	Ўзбекистон	128	2,0	100
2.	124	Россия	123	2,0	100
3.	88	Канада	123	1,5	75
4.	96	Тайван	128	1,5	75
5.	89	Тайван	130	2,2	110
6.	97	Тайван	130	2,5	125
7.	90	Тайван	132	2,2	110
8.	н/м	Тайван	130	2,2	110
9.	98	Тайван	128	2,2	110
10.	91	Тайван	128	2,9	145
11.	92	Тайван	123	1,5	75
12.	93	Тайван	130	2,1	105
13.	80	Франция	130	2,1	105
14.	82	Тайван	135	2,2	110
15.	83	Тайван	123	2.3	115
16.	84	Тайван	130	2,5	125
17.	85	Тайван	128	2,5	125
18.	86	Тайван	128	2,3	115
19.	94	Тайван	123	1,5	75
20.	95	Тайван	132	1,5	75
21.	64	Россия	130	1,9	95
22.	65	Япония	130	2,2	110
23.	73	Ўзбекистон	128	2,0	100
24.	2167	Франция	128	2,3	115
25.	103	Тайван	128	2,9	145

Ҳосилдорлик белгиси бўйича. Ҳосилдорликни аниқлаш меваларнинг техник етилиш жараёнида амалга оширилиб, андоза “Аврора” навида бу кўрсаткич 1 м² майдонда 2 кг ни ташкил этди.

Ҳосилдорлик, маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари- навларнинг биологик хусусиятларига боғлиқ бўлган асосий белгилардан бири бўлсада, унга тупроқ иқлим ва бошқа экологик шароитлар, етиштириш технологияси яна бир қатор омиллар сезиларли таъсир кўрсатади. Шу жумладан тадқиқотлар ўтказилган йиллар давомида коллекция питомникада қотор ораларига ишлов бериш, озиклантириш қониқарли амалга оширилган бўлиб, ўрганилаётган намауналар андоза навга таққосланган ҳолда баҳоланди.

Ҳосилдорлик белгиси бўйича ўрганилганда қуйидаги натижалар қайд этилди, жумладан: кузатув олиб борилаётган намуналарнинг бештаси андоза навга нисбатан к-88 (Канада), к-92, к- 94, к-95 ва к-96 (Тайван) 75%, к-64, к-124 (Россия), к-93 (Тайван), к-80 (Франция) 95-105%, к-82, к-83, к-86, к-88, к-89, б/н (Тайван) ва к-2169 (Франция) намуналарида 110-115%, к-84, к-85, к-97 (Тайван) 125% ва к-91 ва к-103 (Тайван) намуналаридан эса 145% андоза навга нисбатан юқори ҳосил олинди.



Бақлажоннинг “Тухфа” нави



Бақлажоннинг “Қувонч” нави

ХУЛОСА

Тадқиқотлар натижасида комплекс белгилари бўйича танлаб олинган Lonoship S00658 (к-91), S 113 (к-103) ва к- 91(Тайван) намуналари билан селекция жараёни давом эттирилиб, бақалажоннинг янги “Қувонч”, “Тухфа” ва “Паризод” навлари яратилди ва Ўзбекистон Республикасида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари давлат реестрига киритилди. Ушбу навларни мевасининг этини нафислиги ва уруғининг камлиги билан мавжуд навлардан фарқланиб, ўрта пишар, ўсув даври 105-110 кун, ўртача ҳосилдорлиги эса 100-110 тонна гектарни ташкил этади.

REFERENCES

1. Брежнев Д.Д. «Методические указания по изучению и поддержанию мировой коллекции овощных пасленовых культур (томаты, перцы, баклажаны)». 1977 г.
2. А. И. Ермаков. «Методы биохимического исследования растений» Ленинград «Колос» 1987 г.
3. Кимсанбаев Х.Х., Зуев В.И., Болтаев Б.С., Сулейманов Б.А., Мавлянова Р.Ф., Кадырходжаев А.К. «Защита пасленовых овощных культур и картофеля от вредителей и болезней».
4. Балашов Н.Н., Земан Г.О. «Овощеводство» Ташкент. 1981 г.